

Таъзия



17:26 / 27 февраль 239

Муборак Рамазони шарифнинг раҳмат кечаларида, жума оқшомида андижонлик устоз қорилардан бири, Қуръони Карим ходими Сирожиддин қори Қамариддин Маҳдум ўғли бу дунёдан боқий дунёга рихлат қилдилар. Шу муносабати билан марҳум устознинг барча оила аъзоларига, қариндош-уруғларига, яқинлари ва шогирдларига самимий таъзия изҳор этамиз. Аллоҳ таоло умрини дин хизматига, Қуръон хизматига бағишлаган устозимизнинг машаққатли, шарафли меҳнатларини, барча солиҳ амалларини ўзларига садақаи жория қилиб, раҳматига буркасин, мағфиратига олсин, қориларга ваъда қилинган ажру мукофотларидан баҳраманд қилиб, жаннатларига дохил айласин! Ушбу оғир жудолик дамларида марҳумнинг аҳли байтларига, барча яқинларига Аллоҳ таолодан сабри жамил тилаймиз.

Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун!

«Hilol nashr» матбаа-нашриёти, Islom.uz портали жамоаси